# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 22 ноябрь, № 229 (5903) Жума


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябрь куни Оқсаройда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) президенти Такехико Накаони қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ОТБ билан мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлик қарор топганини, ушбу банк Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон — ОТБ ҳамкорлиги 14,5 миллиард АҚШ долларига тенг 40 лойиҳани ўз ичига олган. Бу лойиҳалар учун ОТБнинг умумий қиймати 4,9 миллиард доллардан зиёд ресурслари жалб қилинган. Ҳамкорликда Таллимаржон ИЭСида 900 МВт қувватга эга бўлган иккита буғ-газ қурилмаси барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуини барпо этиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури каби стратегик муҳим инвестициявий лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон билан мамлакатимизнинг етакчи халқаро молиявий шериги бўлган Осиё тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этиши ва узоқ муддатли асосга эга эканини мамнуният билан таъкидладилар.

Айни пайтда ОТБнинг Осиё минтақасида қуёш энергетикасини ривожлантириш борасидаги ташаббусини рўёбга чиқариш икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бу ташаббус ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2010 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Йиллик мажлисида илгари сурилган эди. У, жумладан, яқин йилларда Осиёда 3 минг МВт қувватга эга қуёш электростанциялари қуришни кўзда тутади.

Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон ва ОТБ Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур станция минтақамизда бу йўналишдаги илк станция бўлади. ОТБ билан биргаликда 2013 йилда Тошкентда Халқаро қуёш энергияси институти ташкил этилди. Бу муассаса нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё қитъасининг бошқа мамлакатларида ҳам қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришга қаратилган янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлади.

Осиё қуёш энергияси форумининг Тошкентда ўтаётган 6-мажлиси ушбу соҳада Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида кенгайиб бораётган ҳамкорликнинг мантиқий давомидир. Бу анжуманда ҳукуматлар, халқаро молия институтлари, ускуна ишлаб чиқарувчи компаниялар, илмий тадқиқот марказларидан қарийб 300 нафар вакил, Осиё мамлакатларидан, шунингдек, Европа, Шимолий ва Жанубий Америкадан қуёш энергияси соҳаси бўйича мутахассислар ва экспертлар қатнашмоқда.

ОТБ президентининг ушбу ташрифи доирасида "Самарқанд шаҳрида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш", "Аму-Бухоро ирригация тизимини реабилитация қилиш" ҳамда "Кичик ва микромолиялашни ривожлантириш" лойиҳалари бўйича умумий қиймати 380 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битимлар имзоланди.

Учрашувда Т. Накао ОТБ томонидан кўп томонлама ҳамкорликда амалга оширилаётган, бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатдорлик асосида икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, минтақавий лойиҳаларни амалга оширишда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Айни пайтда томонлар 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган Икки томонлама ҳамкорлик дастурини муҳокама қилмоқда. Бу ҳужжатда нефть-газ сектори, электр энергетикаси, транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, уй-жой қурилиши, кичик бизнес, соғлиқни сақлаш, таълим ва коммунал соҳа каби йўналишларда устувор лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Томонлар мазкур Дастур ўзаро шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитишига, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун пухта замин яратишига ишонч билдирдилар.

Т. Накао самимий қабул ва ОТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятига берилган баҳо учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Осиё қуёш энергияси форумининг 6-мажлиси Тошкентда ўтказилиши қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда ташкил этилгани учун ташаккур изҳор этди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

# ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2013 йил 25-26 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, уни янада ривожлантириш истиқболлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, турли соҳаларга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.




# Ноёб, замонавий ва истиқболли

Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши иштирокчилари Самарқанд вилоятида барпо этилаётган қуёш фотоэлектрик станциясига ана шундай баҳо беришмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган "Қуёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари" мавзуидаги Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилиши иштирокчилари Самарқанд вилоятида бўлиб, юртимиз ҳудудларида қуёш энергиясидан фойдаланиш истиқболлари, жабҳани ривожлантиришнинг илмий-техникавий ва табиий имкониятлари билан яқиндан танишдилар.

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг деярли барча ҳудудларида, айниқса, қуёш, шамол, биогаз каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш учун имкониятлар мавжуд. Бу мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви боис ато этилган беназир туҳфа бўлиб, ундан ўз ўрнида фойдаланиш мақсадида кўп йиллардан буён олиб борилаётган илмий ва экспериментал тадқиқотлар кутилган самараларни бераётир. Турли қувватлардаги фотоэлектрик станциялар, қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, хусусан, Самарқанд вилоятидаги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, саноат тармоқларида тажриба тариқасида фойдаланилаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, таъбир жоиз бўлса, соҳада янги даврни бошлаб берди.

Гап шундаки, ушбу ҳужжатда юртимизда тўпланган бой тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қуёш ва биогаз энергиясидан фойдаланишга қаратилган экспериментал ҳамда амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, зарур ускуналар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, шунингдек, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш каби вазифалар белгиланган.

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги "Торариқ" ҚФЙ ҳудудида бунёд этилаётган қуёш фотоэлектрик станцияси — соҳадаги энг йирик лойиҳалардан бири. Қуввати 100 МВтга тенг бўлган мазкур иншоот Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтларининг молиявий кўмагида қурилаяпти. Чет эллик меҳмонлар айни шу иншоотни кўришга иштиёқи зўрлигини "Тошкент — Марказий" темир йўл вокзалида "Афросиёб" тезюрар поездига чиққан пайтдаёқ изҳор қилишди.

— Юртингизга илк бор 1974 йилда келган эдим, — дейди **Германиянинг Бранденбург университети профессори Эдгар Клозе**. — Ўшанда ҳам қадимий Самарқандга поездда йўлга чиққандик. Аммо у пайтдаги шароитни ҳозиргиси билан асло таққослаб бўлмайди. Айтиш жоизки, бугунгидек энг сўнгги русумдаги бундай тезюрар поездлар қатнови дунёнинг саноқли давлатларидагина йўлга қўйилган, холос. Ўзбекистон уларнинг сафидан жой олгани унинг иқтисодий салоҳияти нақадар юксаклигидан далолатдир. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида юритаётган сиёсати эса алоҳида таҳсинга лойиқ. Негаки, юртингиз замини углеводород хом ашёси захираларига бой бўлса-да, улардан оқилона фойдаланиш, келажак авлодга қолдириш мақсадида электр ва иссиқлик энергияси олишнинг муқобил усуллари босқичма-босқич амалиётга жорий қилинаётган экан.

(Давоми 2-бетда).

8 ДЕКАБРЬ —

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ




*Конституциямиз — жамият таянчи ва юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёркин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодаси ҳисобланади.*

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Буни мазкур ҳужжатнинг биринчи моддасидан то охирги моддасигача инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, Ватан равнақи ҳамда жамият тараққиётига хизмат қилиб келаётган умумбашарий ғоялар сингдирилганида ҳам кўриш мумкин. Асосий Қонунимизда буюк неъматлар орасида энг улуғи — "инсон учун" деган ғоя илгари сурилиб, уни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ўз аксини топган. Бошқача айтганда, "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги изчил ҳамкорликнинг ҳуқуқий ечими асослаб берилган.

Конституцияси мукаммал жамиятнинг ҳаёт тарзида яратувчанлик, фуқаролари қалбида инсонийлик каби эзгу ғоялар устувор бўлади. Конституциямиз халқимизнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти, бебаҳо қадриятлари билан йўғрилган бўлиб, ушбу йўлда дадил, ишонч билан одимлашимизга руҳлантириб келмоқда. Шу боисдан ҳам инсон қадр-қиммати, ор-номуси, ғурури, эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари, фаровон турмуши ва келажаги ифодаланган Асосий Қонунимизни фахр билан қомусий ҳужжат, деб атаймиз.

Асосий Қонунимиз мукаммал ҳуқуқий манба эканини халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар, ҳуқуқшунос олимлар ҳам эътироф этишмоқда. Хусусан, Гарвард университети профессори С. Карлайл: **"Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчи бўлиб, ҳатто, Болтиқбўйи давлатларидан илгари ўз Конституциясини қабул қилди. Қоидаларнинг аниқ ва мукаммаллиги, ўзига хос тузилиши билан алоҳида ажралиб турадиган ушбу Конституция дунёдаги энг мақбул тузилишга эга Конституциялардан биридир"**, дея юксак баҳо берганди.

(Давоми 2-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

***20 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама этдилар. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Ҳаитов ушбу масала бўйича маъруза қилди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилганлиги таъкидланди. Дастурдан кўзланган мақсад — демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг миқёсдаги ва бир-бири билан ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Кейинги йилда 983,6 мингта иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда. Асосий эътибор таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёлларни, ногиронларни ҳамда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш борасида фаол ва аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилди. Боз устига, иш ўринларини ташкил этиш параметрлари инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пухта қайта ишлаш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмаси дастурлари билан ўзаро боғлиқ.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг зарур шарти эканлигини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

# Хотин-қизлар манфаатлари — доимий эътиборда

*Пойтахтимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, бунда хотин-қизлар қўмиталари олдида турган вазифалар ва тизимнинг ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтириш масалаларига бағишланган республика анжумани ташкил этилди.*

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган мазкур тадбирда парламент аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда аёлни улуғлаш, уни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар босқичма-босқич, тизимли равишда олиб борилмоқда. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оила, оналик ва болалик муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда кўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилгани юртимиз аёлларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишда, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим асос бўлмоқда.

Чунончи, давлатимиз раҳбарининг 2004 йилнинг 25 майида қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, бу борадаги илғор ғоя ва ташаббусларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, умуман, аёлларни ижтимоий ҳимоялашга оид ишларни янада кучайтириш имконини берди.

(Давоми 4-бетда).

# ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дастур янги объектларни ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ҳамда улардан тўлароқ фойдаланиш, саноатда, қурилишда, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнесни жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш, меҳнатнинг касаначилик шакллари имкониятларини кенгайтириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобига мақбул миқдорда иш ўринларини ташкил этишга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилгандир.

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар партиянинг Сайловолди дастурида, биринчи навбатда, айниқса, қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга кўмаклашиш муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этдилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашув тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, фракция Дастурни кўриб чиқишда айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилашнинг самарали воситаси сифатида бандликнинг самарали шаклларини, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш Дастурнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнес ролини янада ошириш, имкон қадар қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг кредит ва моддий-хом ашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларига, бозорда талабга эга истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш дастурларига мувофиқ ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш кўзда тутилмоқда.

Тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қишлоқдаги тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши 138 мингдан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари кўриб чиқилган масалани муҳокама этишда алоҳида фаоллик кўрсатдилар, чунки бу йўналиш партиянинг Сайловолди дастуридаги асосий устуворликлардан бири ҳисобланади. ЎзХДП фракция аъзоларининг ишончи комилки, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу боис мажлисда кўриб чиқилган ҳужжатнинг ижтимоий аҳамиятга молик эканлигига алоҳида урғу берилди.

Партиядан сайланган депутатлар томонидан Дастур лойиҳасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни эгаллаган ихтисослиги бўйича иш ўринлари билан таъминлашга урғу берилди. Шу муносабат билан бўш турган ва захира иш ўринлари ҳисобига касб-ҳунар коллежларининг 500 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш Дастурнинг муҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини юксалтириш масалаларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги ҳақида сўз борди. ЎзХДП фракциясининг таклифига кўра, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадваллари асосида ҳар ойда мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар кўрилган ҳолда бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши кўриб чиқилади.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу Дастурнинг бажарилишини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган параметрлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, Дастурнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш имконини беради.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари ўзларининг амалий фаолиятида улар ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада такомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорликнинг анъанавий маданиятини қайта тиклаш орқали миллий бизнесга кўмаклашишга, ички истеъмол ва экспорт ўсишини таъминлашга, халқ ҳунармандчилигининг барча турлари, хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлаганликларига эътибор қаратдилар.

Фракция аъзолари таъкидладиларки, касаначилик ва ҳунармандчиликнинг катта қисмини миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари бўлмиш минтақаларда — Наманган (28,5 минг), Фарғона (27,3 минг), Андижон (21,6 минг), Самарқанд (17,6 минг), Бухоро (18,5 минг) вилоятларида ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ҳамда кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича ишни давом эттириш зарур бўлади, бу эса 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросининг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фракциянинг ишончи комилки, кўплаб фойдаланилмаган имкониятларга эга туризмни янада ривожлантириш ҳам ана шундай диққат-эътиборни талаб қилади. Жумладан, бу мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этишга, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини, бир қатор минтақаларнинг инфратузилмасини мунтазам ривожлантириб боришга таалуқлидир. Фракциянинг фикрича, бу, мазкур соҳаларни ривожлантириш ҳисобига туризм ва транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, кенгайтириш, шунингдек, мазкур тармоқларда иш билан таъминланганлар сонини кўпайтириш, аҳоли даромадларини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари аксарият мамлакатларда ишсизлик билан боғлиқ жиддий муаммолар кузатилаётган бир шароитда Ўзбекистонда ҳар йили иш ўринларини ташкил этиш бўйича махсус дастур қабул қилинаётганлигини таъкидладилар. Бу демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш масалаларига эътибор қаратилаётганлигининг яққол мисолидир.

Фракция вакиллари иш ўринларига юксак даражада эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини кўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, шунингдек, олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракциянинг ишончи комилки, инновация технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёшларни касбга қайта йўналтириш ҳисобига ишга жалб этиш муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ташкил этилаётган иш ўринларининг барқарорлигини сақлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни янада кучайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Экоҳаракат депутатларининг фикрича, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда уни янада ривожлантириш, табиатни ифлослантирмайдиган технологияларни татбиқ этиш иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли бандлигини оширишнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Уларнинг фикрича, ушбу нуқтаи назардан мамлакатимизда мавжуд табиий салоҳиятни инобатга олган ҳолда экотуризмни янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳада янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур бўлади.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Ноёб, замонавий ва истиқболли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, қуёш нуридан тўғридан-тўғри энергия олиш, биогаз технологияларини ривожлантириш борасида тўпланган тажрибани Осиё минтақасидаги бошқа давлатларда ҳам қўллаш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, форумнинг мамлакатингизда ўтказилиши айни муддао бўлди.

Дарҳақиқат, республикамизда қайта тикланувчи энергия салоҳияти ниҳоятда юқори бўлиб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш, илмий изланишларни рағбатлантириш борасидаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, жойларда кичик қуёш станциялари ва биогаз қурилмалари ўрнатилиб, улар ёрдамида арзон, экологик жиҳатдан безарар энергия олинмоқда. Самарқандда қурилиши бошланган қуёш фотоэлектрик станцияси эса қувватининг юқорилиги билан хорижлик меҳмонларнинг эътиборини тортди.

— Бизнинг иқлим шароитимиз ҳам юртингизникига ўхшаш бўлиб, йилнинг қуёшли кунлари нисбатан кўпроқ, — дейди **Испаниянинг "STA" компанияси мутахассиси Хосе Луис САНЧЕС**. — Лекин офтоб нуридан фойдаланиш соҳасини ривожлантиришга кейинги 10 йилликда эътибор қаратила бошланди. Ўзбекистон эса бу жабҳада анча илгарилаб кетибди. Кеча "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги Катта Қуёш печини кўриб, бунга ўзим амин бўлдим. Бугун Самарқандга келиб эса, пойтахтингиздан олис ҳудудларда ҳам муқобил энергияни ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётгани, бунинг учун давлатингиз томонидан барча шарт-шароит яратилаётганига, очиғи, ҳавасим келди. Негаки, қуёш станциясини қуриш учун 400 гектар ер майдони ажратилиб, бу ерда дастлабки ишлар бошлаб юборилибди.

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг бўлим бошлиғи Равшан Ортиқовнинг айтишича, Самарқанд қуёш фотоэлектрик станцияси Марказий Осиёда бунёд этилаётган биринчи йирик муқобил энергия иншоотидир. У қуёш нури тик тушадиган, географик жиҳатдан қулай жойда қурилаётгани боис қуввати 115 МВтгача етиши мумкин. Шу мақсадда станция ҳудудида 479 мингта қуёш панели ўрнатилади.

Юртимизда бундай улкан станцияларни барпо этиш кўлами бундан кейин ҳам тобора кенгайиб бораверади. Сабаби, дастлабки таҳлиллар Кармана, Ғузор, Шеробод, Поп ва Паркент туманларида ҳам шундай иншоотларни ишга тушириш учун табиий имконият мавжудлигини кўрсатмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу ҳудудларда махсус тадқиқот ва ўлчаш ишлари жадал давом эттирилаяпти.

— Японияда муқобил энергия манбалари устида илмий изланишлар олиб бораяпман, — дейди **Токио университети тадқиқотчиси Араи Мотоюки**. — Форум туфайли юртингизга ташриф буюриб, ушбу йўналишда тўпланган бой тажриба билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан жуда хурсандман. Ўзбекистонда илмий изланишлар ишлаб чиқариш билан уйғунликда олиб борилаётгани фан ютуқларини саноат муаммолари ечимига йўналтиришда қўл келаётган экан. Бунга қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланишни чуқурлаштириш борасидаги ислоҳотлар мисолида гувоҳ бўлдим. Натижада аллақачон қуёш электр станциялари ва коллекторлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилган ҳолда, уларнинг турларини кўпайтириш, қувватини ошириш ҳамда янада такомиллаштириш мақсадида янги техник ечимлар амалиётга татбиқ этилаяпти.



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Чет эллик меҳмонларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар Ўзбекистон мустақиллик йилларида ҳақли равишда фахрланса арзийдиган улкан тараққиёт ва ютуқларга эришаётганини алоҳида таъкидлашди. Бунга ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги мислсиз ўзгаришлар, инсон манфаатларига йўналтирилган ислоҳотлар самараси бўлмиш муқобил энергетикани ривожлантириш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойлар қурилиши яққол мисолдир.

Форум иштирокчилари Оқдарё туманининг Пўлатдархон маҳалласидаги "Қирқдархон" массивида ҳам бўлиб, мазкур обод гўшада кейинги йилларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган хусусий тураржойлар, бу ерда қишлоқ аҳолиси учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Таъкидлаш керакки, Оқдарё бўйида жойлашган янги массив сўлим табиати, ўзига хос иқлимидан ташқари, замонавий инфратузилмаси билан ҳам ажралиб туради. Негаки, бу ерда кўплаб замонавий ижтимоий объектлар ишга туширилган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, мактаб, спорт майдони, маҳалла гузари шулар жумласидандир. Улар кейинги 4 йилда фойдаланишга топширилган 433 та тураржой эгалари ихтиёрида. Айни пайтда эса яна 160 та уй қурилиши якунланаяпти.

— Қишлоқларда бунёд этилаётган кўркам уй-жойлар Ўзбекистонда қурилиш индустрияси тараққий этганининг ёрқин исботидир, — дейди **Ҳиндистоннинг "NTPC Limited" компанияси бош менежери Суриндер Раина**. — Чунки мамлакат миқёсида катта ҳажмдаги бундай қурилиш ишларини амалга ошириш осон эмас. Бунинг учун пухта тайёргарлик, яъни мустаҳкам иқтисодий асос керак. Сир эмас, ипотека кредитидан келиб чиққан глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари таъсири ҳамон сақланиб турган бугунги кунда дунё миқёсида қурилиш ишлари, айниқса, уй-жойлар барпо этиш суръати кескин тушиб кетган. Ўзбекистонда эса бу борада ўзига хос тизим ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётгани диққатга сазовордир.

Нуфузли анжуман қатнашчилари, шунингдек, Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойларини зиёрат қилдилар. Айниқса, бу ерда истиқлол йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамларнинг обод ва фаровон ҳаёти уларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конституциямиз халқаро талаб ва меъёрларга тўлиқ мослиги билан янада аҳамиятлидир. Франция Давлат кенгаши аъзоси, Конституциявий ҳуқуқ халқаро ассоциацияси раиси Д. Мос: **"Ўзбекистон Конституцияси ривожланган демократик давлатларнинг Асосий Қонунларига тўлиқ мувофиқдир. Унда демократик давлат қуришнинг барча муҳим тамойиллари — Президентлик институти, ҳукумат, парламент, суд органларининг ваколатлари ва бошқалар ўз аксини топган. Демократиянинг универсал қадриятларига тўлиқ даражада мувофиқ бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгиланган"**, деб қайд этганда ана шу ҳақиқатни назарда тутган.

Асосий Қонунимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ҳамда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётгани бугун барчага аён.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик асосида 130 дан ортиқ миллат ҳамда элатлар вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқ истиқомат қилмоқдалар. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий-иқтисодий фаолияти кафолати борасида зарур норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, шу асосда ННТлар сони ортиб бормоқда. 1991 йилда мамлакатимизда 100 га яқин ННТлар фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 6600 дан ошди, 1990 йилда 200 дан ортиқ диний ташкилотлар бўлган бўлса, бугун давлат рўйхатидан ўтган 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар сони 2200 тани ташкил этаётир.

Фахр билан айтиш лозимки, Бош Қонунимизнинг барча нормалари ҳаётга тўлиқ жорий этилаяпти ва шу асосида турли соҳаларда улкан ютуқ ҳамда марраларга эришилмоқда.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий инқироз билан боғлиқ муаммолар ҳамон сақланиб қолаётган бир шароитда Ўзбекистон пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлашга эришаётир. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич халқаро мезонлар бўйича "ўртачадан ҳам кам" даражада баҳолангани бунинг ёрқин исботи бўлди.

Яна бир мисол. Германиянинг автомобиль саноати бўйича дунёга машҳур "MAN" компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 минг дона юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплекс қурилишининг иккинчи босқичи якунланди. Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки экспорт имкониятини ҳам беради.

2012 йилда Сурғил кони базасида, ҳатто, дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард АҚШ долларидан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши юртимизнинг иқтисодий юксалиш йўлидаги дадил қадамларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур объект қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхонада 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Дунёдаги йирик "Томсон Рейтер" бизнес-ахборот агентлигининг жаҳонга машҳур "Прожект файненс интернейшнл" журнали бу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканлигини қайд этиб, мазкур комплекс қурилишини нефть-газ-кимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди.

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус ва олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли, малакали касб тайёргарлигига эга авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-ҳунар коллежларига тўлиқ жалб этиш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишларни таъкидлаш зарур. Айни чоғда 2012/2013 ўқув йилида юртимизда 12 йиллик бепул мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Шу ўринда дунёнинг энг яхши 5 та бизнес мактаби қаторига кирадиган "Инссад" халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринлидир. Унда дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 35-ўринни эгаллагани, айниқса, эътиборлидир. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида 2-ўринни банд этган.

Мана шундай эзгу ишларнинг самараси ўлароқ, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг саводхонлик даражаси қарийб юз фоизга етган. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Умуман, Конституциямизни юксак ҳуқуқий ва маърифий таълим дастури, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз. Зеро, унда давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонун устуворлиги тўлиқ акс эттирилган. Айнан ушбу ҳужжат шарофати билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, давлат халқ иродасига бўйсундирилди, халқ ҳокимият манбаи сифатида эътироф этилди. Шунга мос ҳолда, ижтимоий ҳаётда сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги кафолатланди, инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати дахлсиз олий қадрият сифатида ҳаётимиздан ўзининг қатъий ўрнини топди, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари мустаҳкамланди.

Шу кунларда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида юртимиз таълим муассасаларида "Конституция ҳафталиги", "Мустақиллик ва Конституция: кеча, бугун, эртага" мавзуида "Маънавият соатлари"ни ўтказиш, Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларида маданий-маърифий тадбирлар уюштириш, Соғлом авлодни вояга етказиш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш мақсадида адлия органларининг ФҲДЁ бўлимлари томонидан "Ёш оила қурувчилар мактаби" ўқув машғулотларида турмуш қуриш остонасида турган ёшларга Асосий Қонунимиз ҳақида тушунчалар бериш, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват ёрдамларини кўрсатиш тадбирлари ташкил этилаётир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори Адлия вазирлиги ҳамда унинг муассасалари фаолияти ҳам конституциявий талаблар асосида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу борада Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуларга мос равишда 2012 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган 33 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Эътиборлиси, қонун ижодкорлиги жараёнида халқимизнинг миллий манфаатлари устуворлиги ҳамда халқаро қонунчилик илғор нормаларини таҳлил этиш самарадорлиги ортиб бораяпти.

Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган 8 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 4 таси парламентимиз томонидан қабул қилинди.

Халқимизга хос маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланди. Шубҳасиз, миллий ўзликни англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг ўрнини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири мазкур институт ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Шу кунларда бўлиб ўтаётган 9 минг 756 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчилари сайланиши белгиланган сайловларда унинг аҳамияти янада кенгроқ намоён бўлмоқда.

Конституциямиз иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан, хусусий мулк тенглиги ҳамда тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилиб, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари ривожланиши учун зарур шарт-шароит ва кафолатлар яратиб бераётганини ҳам фахр билан айтиш мумкин. Унинг 36-моддасида "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли"лиги кўрсатилиб, ушбу ҳуқуқ конституциявий меъёр даражасига кўтарилди ҳамда муҳим иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этилди.

Адлия вазирлиги тадбиркорлик субъектлари, хорижлик инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Хусусан, соҳага оид айрим муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратишга оид қонунчиликни бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар тайёрланди. Жумладан, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонундаги бир қатор ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб, амалдаги айрим қонунларга ўзгартишлар киритиш ҳақида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда ҳамда "Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Бу ҳужжатлар соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, тадбиркорларга янада кенгроқ эркинлик бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувлар ҳамда ўрганишлар ва қонун ҳужжатлари таҳлили натижасида аниқланган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 30 га яқин қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларни бартараф этиш мақсадида 375 минг тадбиркорлик субъектига "Текширувларни рўйхатга олиш" китоби тарқатилди. Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, жумладан, фермер хўжаликлари, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан миллиондан зиёд шартномаларни тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Адлия органлари томонидан кўрилган ҳуқуқий таъсир чоралари боис 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 3844 та ноқонуний қарор бекор қилинди ҳамда ижроси тўхтатилди, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига 102,4 миллиард сўмлик маблағларнинг қайтарилиши таъминланди. Фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судларга 5,2 миллиард сўмликдан ортиқ 7 минг 252 та даъво аризаси киритилди, шундан 5,1 миллиард сўмлик 6 минг 678 та даъво аризаси қаноатлантирилди.

Ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунийлигини таъминлаш ҳамда қарорларининг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш жараёнини такомиллаштириш ҳам доимий эътиборда бўлмоқда. Давлат ҳокимияти органларининг 1405 та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгани ана шундан далолатдир.

Адлия органларининг Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш ва фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида жорий йилда 18,6 миллиард сўм эвазига бир неча ФҲДЁ ҳамда "Бахт уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг шу йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатга биноан, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент давлат юридик институти университет мақомига эга бўлди. Ҳозир мазкур олий ўқув юртининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқув, илмий-методик бўлинма ва кафедраларини замонавий техник воситалар, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалар билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, ўқув корпуслари янги бинолар ҳисобига кенгайтирилаётир. Бундай саъй-ҳаракатлар ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш ҳамда назария ва амалиёт уйғунлигига эришиш имконини беради, албатта.

Адлия вазирлигининг энг муҳим йўналишларидан бири — ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим соҳасида 2012 йил ва жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 99 мингдан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди ва уларда 2,7 миллион нафардан ортиқ аҳоли иштирок этди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда Конституция талаблари асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Буни инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланаётгани, шунга мос равишда фуқароларнинг ҳуқуқий билим ҳамда маданияти тобора юксалиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Зеро, Асосий Қонунимиз моҳиятига юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг бахтли ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит яратиш ғояси сингдирилган бўлиб, мазкур ҳужжат ана шу мақсадларга эришишимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаверади.

**Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Сентябрь ойида Испанияда экспорт ҳажми 8,3, учинчи чорак якунлари бўйича эса мамлакат иқтисодиёти 0,1 фоиз ўсган.*

### Экспорт кўрсаткичлари яхшиланди

Бу натижалар мазкур давлатнинг амалда рецессиядан чиққанини англатади. Мамлакат бош вазири 2014 йилда Испанияда ялпи ички маҳсулот ҳажми 0,7 фоизга ўсишини билдириб, экспортнинг юксалиши узоқ кутилган ҳолат — инқирозни бартараф этиш имконини беришини айтиб ўтди.

Маълумки, сўнгги икки йилда ушбу давлат иқтисодиёти мураккаб вазиятни бошидан ўтказди. Натижада ишсизлик авж олди. Гарчи жорий йилнинг учинчи чорагида бандликни таъминлаш борасида бир оз ижобий силжиш кузатилган бўлса-да, умумий кўрсаткич ҳамон 26 фоизни ташкил этмоқда.

### Жаримага тортилди

*АҚШнинг “JPMorgan Chase” банки ҳукуматга 13 миллиард доллар миқдорида жарима тўлайди.*




Бунга молия муассасасининг иқтисодий инқироздан олдин фуқароларга ипотека облигацияларини сотгани ва оқибатда кўплаб мижозлар катта зарар кўргани сабаб бўлди. Айнан мана шу қинғирликлар 2008 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий таназзулининг бошланишига туртки берган.

Айни пайтда мазкур иш юзасидан “JPMorgan Chase”нинг бир гуруҳ ходимлари устидан тергов ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

### Ҳайдовчини огоҳлантиради

*Япониянинг “Toyota” компанияси мутахассислари ҳайдовчи автомобилни бошқариб кетаётган вақтда унда юрак хуружи юз бериши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирувчи хавфсизлик тизимини яратиш устида иш олиб бормоқда.*



Бу ҳақда “The Japan Times” нашри хабар тарқатди. Лойиҳага кўра, руль чамбарагига алоҳида мослама ўрнатилади. Ушбу тизим ҳайдовчининг қон босими ва юрак уриши ҳақидаги маълумотларни қайд этиб боради ва таҳлил қилади. Мабодо автомобиль бошқарувидаги шахсда миокард инфаркти аломатлари аниқланса, технология шу заҳотиёқ овозли ҳамда мультимедиа тизими экранида чиқадиган матн орқали хабар беради.

### Ноқулай об-ҳаво шароити

*Европанинг жанубий ҳудудларида ёққан қалин қор қатор ноқулайликларни келтириб чиқарди.*

Хусусан, Франциянинг баъзи туманларида транспорт ҳаракати қийинлашган. Айрим жойларда электр таъминоти узилиб қолган, кўплаб дарахтларнинг шохи синиб кетган. Об-ҳавонинг фавқулодда бундай ўзгариши одамларни саросимага солиб қўйди. Аслида эса синоптиклар мазкур ҳудудлар томон ёғингарчиликларга сабаб бўлувчи циклон ҳаракатланаётгани ҳақида бир кун аввал хабар қилган эди. Аммо маҳаллий аҳоли вакиллари метеорологларни унинг хавфлилик даражаси тўғрисида батафсил маълумот бермаганликда айбламоқда.

Худди шундай ноқулай шароит Испания ҳудудида ҳам кузатилди. Ушбу давлатнинг баъзи жойларида қорнинг қалинлиги 20 сантиметргача етган.



**_Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди._**

ТУРИЗМ

*Эрамиздан бир неча юз йил аввал Чин юртидан довон оша Фарғонага ташриф буюрган сайёҳ Цзян Минг бу мафтункор юртда кўрганларидан ҳайратга тушиб, “Водий аҳли олтин идишларда сув ичади, кумуш товоқларда таом ейди, қанотли отларда учиб юради”, дея таъриф бергани ҳақида эшитганмиз. Мана, орадан бир неча минг йил ўтса ҳамки, мазкур сўлим диёр ўз ҳусну тароввати, бетакрор табиати, ширин-шакар ноз-неъматлари, бағрикенг ва меҳмондўст одамлари билан дунё аҳлининг эътирофини қозониб келмоқда.*



# Мароқли ҳордиқ ва унутилмас таассуротлар

Айниқса, истиқлол йилларида амалга оширилган асрларга татигулик ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари дилбар Фарғонани янада яшартириб, яшнатиб юборди. Шу боис бугун ана шу заминдан маҳаллий ва хорижий сайёҳлар қадами узилмайди.

— Мустақиллик йилларида вилоятимиз сайёҳлик марказларидан бирига айланди, — дейди “Ўзбектуризм” Миллий компанияси Фарғона вилояти саёҳат ва экскурсия бюроси бошлиғи Музаффар Темиров. — Бу ҳудудда туризм инфратузилмаси тобора такомиллашиб бораётганидан далолат беради. Биргина Фарғона шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини олайлик. Сайёҳлар учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Замонавий меҳмонхоналар, транспорт воситалари улар хизматида. Махсус туризм йўналишлари асосида мароқли саёҳатлар уюштириш имконига эгамиз. Бунда 2011/2012 йилларда Фарғона вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришга ва туристик хизмат кўрсатишда экспорт салоҳиятини кўпайтиришга мўлжалланган манзилли чора-тадбирлар дастури асосида иш олиб бораётганимиз қўл келаяпти.

*Кейинги икки йил ичида биргина Қўқон шаҳрида “Қўқон ташриф”, “Қўқон”, “Долина Валентина Люкс” меҳмонхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бинобарин, вилоят марказидаги “Фарғона турист”, “Мубораkхон”, “Зиёрат” меҳмонхоналари замон талаблари даражасида таъмирланиб, сайёҳларни ўз бағрига ола бошлади. Натижада вилоятда бир йўла 1,5 минг нафар туристга хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди.*

Дарҳақиқат, айни кунда вилоятда 15 та сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатаётир. Йил охирига қадар улар сони яна 2 тага кўпайиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, 12 та меҳмонхона мавжуд бўлиб, шундан 2 таси хонадон-меҳмонхоналар ҳисобланади.

Айниқса, Марғилонсой ёқасида жойлашган “Зиёрат” меҳмонхонаси ҳамиша хорижликлар билан гавжум. Бу ерда нафақат қулай яшаш ва дам олиш шарт-шароитлари, балки ҳаммом, қишки бассейн, фитнес клуб, интернет хизмати, валюта алмаштириш шохобчалари, миллий ошхоналар ҳам мавжуд. Энг муҳими, мажмуада қўшимча хизмат турларининг жорий этилиши туфайли 50 та иш ўрни яратилди. Жорий йил охиригача “Дўстлик” меҳмонхонасида ҳам шундай имкониятлар яратилади.

Ҳунармандлар шаҳри — Марғилон ҳам халқимизнинг бой тарихий мероси, азалий анъана ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган кўҳна ва навқирон замин ҳисобланади. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ, албатта, ял-ял товланувчи атласу адраслар тайёрловчи усталар меҳнати билан танишишга ошиқади. Шаҳардаги “Ёдгорлик” фирмаси жамоаси меҳмонларни ана шу мўъжиза билан ошно этишни ўз зиммасига олган. Саид Аҳмад Эшон хўжа мажмуасида эса шаҳар ҳунармандчилигининг минг йиллик анъаналари сақланиб қолган. Бу ердаги кўргазмалар, асрларни қаритган осориатиқалар ҳар қандай кишини маҳлиё қилиши, шубҳасиз. Қолаверса, сайёҳлар ушбу ажиб мажмуада миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлган ноёб дурдоналарни харид қилишлари ҳам мумкин.

Экотуризм — сайёҳликнинг истиқболли йўналишларидан бири. Кейинги йилларда вилоятда мазкур соҳани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Пировардида сайёҳлар вилоятнинг Шоҳимардон, Арсиф, Водил сингари сўлим гўшалари ва бу ерлардаги бетакрор табиат манзаралари билан яқиндан танишмоқдалар. Эътиборлиси, ҳадемай ушбу манзиллар қаторига Марказий Фарғонадаги мовий кўллар, Бешариқ туманидаги Сирдарёнинг чап соҳилида ястаниб ётган балиқчилик хўжаликлари ҳам қўшилади. Ҳозир ана шу йўналишлар дастурлари ишлаб чиқилаётир.

Мухтасар айтганда, сайёҳлик вилоят иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Жорий йил давомида ҳудудда 4 миллиард 500 миллион сўмлик сайёҳлик хизмати кўрсатиш кўзда тутилгани ва ўтган тўққиз ойда бу борадаги режа 80 фоизга бажарилгани сўзимизнинг тасдиғидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Диққат, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»!

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бир мунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика миқёсида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда, таъкидлаймизки, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол қатнашадиган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси.**

1932А/

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

*2013 йил 24 декабрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:*

- ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 19 апрелдаги 5-895-сонли ижро варақасига асосан, Қўқон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Қўқон шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 J 7448, техник соз.

**_Бошланғич баҳоси — 26 111 685 сўм._**

- ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 4 июлдаги 5-1403-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «Espero» русумли, жигарранг тусли, давлат рақами 15 F 7562, техник соз.

**_Бошланғич баҳоси — 26 111 685 сўм._**

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2014 йил 9 январь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

*2013 йил 10 декабрь куни соат 10.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари, тракторлар ва тиркамалар такроран қўйилмоқда:*

- Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 январдаги 15-12-03/2417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «Т-28х4МА» русумли, давлат рақами 2074 ЕМ.

**_Бошланғич баҳоси — 2 070 822 сўм._**

- 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Т-28» русумли, давлат рақами 2068 ЕМ.

**_Бошланғич баҳоси — 2 456 109 сўм._**

- 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «2ПТС 4-793А» русумли, давлат рақами 4512 ЕМ.

**_Бошланғич баҳоси — 1 210 947 сўм._**

- Қўқон шаҳар СИБ томонидан Қўқон шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Қува тумани судининг 2012 йил 12 январдаги 1-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган «Ford» русумли, давлат рақами 15 J 1222.

**_Бошланғич баҳоси — 18 611 100 сўм._**

- ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 25 июлдаги 1-561-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «Одаз 9370» русумли, қизил рангли, давлат рақами 15 В 062.

**_Бошланғич баҳоси — 6 750 333 сўм._**

- ЖИБ Қўқон шаҳар судининг 2013 йил 25 январдаги 5-265-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳар, 25-20-автокорхона ҳудудидаги жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, оқ рангли, давлат рақами 15 X 9110.

**_Бошланғич баҳоси — 21 181 743 сўм._**

Мазкур мулклар ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2013 йил 26 декабрь куни соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.**

1928А/870

***Гувоҳнома № 004059.***

● Реклама ва эълонлар ●

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Самарқанд вилояти филиали

**_бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади._**

**1.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Каттақўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, «Каттақўрғон-ғишт Шоҳжаҳон» хусусий корхонасига тегишли, қурилиш ости майдони 18943,72 кв.м. бўлган ғишт заводи биноси такроран қўйилмоқда.

**_Бошланғич баҳоси — 948 447 449 сўм._**

**2.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Магистраль кўчаси, 9-уйда жойлашган, «Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, қурилиш ости майдони 4413,18 кв.м. бўлган автобекат биноси 10 фоизга арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда.

**_Бошланғич баҳоси — 412 955 978 сўм._**

**3.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

**_Бошланғич баҳоси — 94 169 610 сўм._**

Аукцион савдоси 2013 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 6 декабрь куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Ушбу кўчмас мулклар 2013 йил 10 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 25 декабрь куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

1936А/1453

**Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

***Лицензия: RR-0001.***

САНОАТ КОРХОНАСИ



*4 — 6-разрядли* электромонтажчиларни, *4 — 6-разрядли* ускуналар монтажчи-созловчисини

доимий ишга таклиф қилади.

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.

1751А/996

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:
- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.

Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулот сертификатланган

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

33R/770

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ипак ва йигириш технологияси кафедраси фахрийси, доцент
**Шуҳрат ҚОДИРОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Хотин-қизлар манфаатлари — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларга оид давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятга эга дастур ҳамда ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътироф этилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратиш, айниқса, қишлоқ аёллари учун муносиб турмуш шароити яратишга оид ишлар кўлами кенгайгани қайд этилди. Мисол учун, ўтган даврда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган микрокредитлар 499,5 миллиард сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 371,5 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Анжуманда таълим даргоҳларида йўлга қўйилган "Ораста қизлар" тўгаракलари ишини янада жонлантириш, қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг қарор топтириш, репродуктив саломатликни асраш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Ҳудудимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, оила-никоҳ муносабатларининг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда, — дейди Навоий вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Анора Бобомуродова. — Албатта, муваффақиятлар ўзимизники. Бу борадаги мавжуд камчиликлардан ҳам асло кўз юмиб бўлмайди. Келгусида фаолиятимизни янада самарали ташкил этиш, бунда тегишли ҳокимлик ва идоралар, жамоат тузилмалари билан биргаликда янада фаол иш юритишимиз мақсадга мувофиқдир. Шубҳасиз, бундай ҳамкорлик эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, коллежни тамомлаган қизларнинг бандлигини таъминлаш, қисқача айтганда, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишга хизмат қилади.

Анжуманда хотин-қизлар қўмиталари тизимида фаолият юритаётган раҳбар ходимларнинг билим даражасини юксалтириш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинади. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги намунали маҳаллалар фаолияти билан танишадилар. Шунингдек, анжуман доирасида "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ғолибларини тақдирлаш ҳам кўзда тутилган.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

ЖАРАЁН

*Мардлик ва жасорат, чаққонлик ҳамда моҳирлик, ғайрат-шижоат инсонга ўзига хос кўрк бағишлайди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, она-юртга садоқат руҳида тарбиялашда уларда мазкур фазилатларни камол топтириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда таълим-тарбия муассасалари билан бир қаторда, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ҳам алоҳида ўрни бор.*

# Ёшларнинг маҳорат мактаби

Бугунги кунда ушбу ташкилот қошида фаолият кўрсатаётган ўқув-спорт техника клублари келажагимиз эгаларининг жисмонан соғлом бўлиб улғайишлари учун хизмат қилмоқда.

Хусусан, Чуст туманидаги шундай муассасада амалга оширилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича машғулотларда қатнашаётган ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани шу жиҳатдан қараганда бежиз эмас. Айни пайтда клубда ёзги биатлон, пневматик милтиқдан ўқ отиш, варрак учириш, картинг-мотоцикл сингари тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда тажрибали спорт йўриқчилари ва мураббийлари томонидан 60 нафар ёшга маҳорат сабоқлари берилмоқда. Бундай машғулотлар самараси, табиийки, ёш спортчиларнинг турли мусобақалардаги ютуқларида кўзга яққол ташланади.

— Йигит-қизларимиз жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган кўплаб беллашувларда фаол қатнашди, — дейди ўқув-спорт техника клуби бошлиғи Маврутали Зокиров. — Жумладан, Косонсой туманида бўлиб ўтган мотоцикл пойгаси, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Наманган туманида уюштирилган автомобиль кўп кураши, шунингдек, ёзги биатлон бўйича мусобақаларда вакилларимиз фахрли ўринларни эгалладилар.

Айтиш жоизки, жисмоний чиниқиш ва маҳорат сабоқлари нафақат клуб, балки "Ватанпарвар"нинг жойлардаги бошланғич ташкилотларида ҳам самарали йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Айниқса, тумандаги тиббиёт, педагогика ва сервис, миллий ҳунармандчилик коллежлари, бир қатор умумтаълим мактабларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар эътиборга молик.

— Ёзги биатлон бўйича уюштириладиган мусобақаларни ҳамиша орзиқиб кутаман, — дейди Азизжон Азимжонов. — Боиси, чаққонлик ва маҳорат кўриги бўлган бу баҳсларда тўгарак машғулотларида олган сабоқларимизни кўпчилик олдида намойиш қилиш имкониятига эга бўламиз. Қолаверса, муросасиз беллашувларда эришилган марралар ўқиш ва ўрганишга бўлган иштиёқимизни янада оширади. Қисқасини айтганда, бизнинг чинакам ватанпарвар бўлиб камол топишимизда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича олаётган кўникмаларимизнинг аҳамияти катта эканлигини ҳамиша ҳис этиб турамиз.

Халқ хўжалиги учун ҳайдовчи мутахассисларни ўқитиш ва йўл ҳаракати бўйича қайта тайёрлаш ишлари ҳам ўқув спорт-техника клубининг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Туман аҳолиси, хусусан, ёшларнинг кўпчилиги техникани бошқариш ва унга хизмат кўрсатишга доир билим ҳамда кўникмаларни шу ерда эгаллайдилар. Бунинг учун клубда барча шарт-шароит яратилган. Чунончи, назарий машғулотларни юқори савияда ташкил этиш ва уларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида ўқув-техника воситалари ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланган махсус хоналар имкониятидан самарали фойдаланилаётир. Автомобиль бошқаришни дастлабки ўрганиш майдони — автодром тингловчиларнинг севимли маскани. Чунки илк бор автомашина рулини тутган бўлажак ҳайдовчи ўзини шу жойда синовдан ўтказади. Амалий машғулотлар, асосан, ташкилот транспорт воситалари ёрдамида олиб борилмоқда. Машқда қанчалик қийин бўлса, амалий иш шунчалик енгил кўчади, деганларидек, машинани бошқариш, унга техник қаров ва йўл-ҳаракати юзасидан олинган сабоқнинг катта аҳамият касб этишини ҳар бир тингловчи яхши билади, уни пухта ўзлаштиришга интилади.

Жамоа бугунги кунда тумандаги автокорхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳайдовчиларнинг катта қисми, қолаверса, юзлаб ҳаваскор ҳайдовчилар техника бошқариш сирларини мазкур клубда ўзлаштиришганидан ҳақли равишда фахрланади. Яна бир эътиборли томони, бу ерда ўқиб, мутахассислик гувоҳномасини олган кўплаб ёшлар аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида ўз бизнесларини ҳам йўлга қўйишган. Жорий йилнинг ўтган даврида клуб қошидаги ҳайдовчилик курсини яна 600 нафарга яқин фуқаро тугаллади. Уларнинг бир қисми меҳнат жамоаларида иш бошлаган бўлса, бошқалари ўз автомашиналарида лицензия асосида аҳолига транспорт хизмати кўрсатишаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ.**

Реклама ўрнида

# Спорт

***Бугун Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бошланади.***

## Дзюдочиларимиздан умид катта

Унда дунёнинг қирқ давлатидан 265 нафар спортчи ғолиблик учун татамига чиқади.



Мусобақада Ватанимиз шарафини ўн икки нафар полвонимиз ҳимоя қилади. Улар орасида Мирзоҳид Фармонов (-66 кг.), Мирали Шарипов (-73 кг.), Яҳё Имомов (-81 кг.), Шуҳратжон Арслонов (-81 кг.), Соиб Қурбонов (-100 кг.), Рамзиддин Саидов (-100 кг.) каби бир қатор нуфузли турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари бор. Бундан ташқари, мураббийлар Шарофиддин Лутфиллаев (-60 кг.), Баҳром Иноятов (-60 кг.), Улуғбек Норқобилов (-66 кг.), Шерали Жўраев (-90 кг.), Эркин Дониёров (-90 кг.) ва Болтабой Болтаев (+100 кг.)га ҳам ишонч билдиришган.

***Қарши шаҳрида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.***

## Кубок ғолиблари аниқланди

Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидан юзга яқин спортчи қатнашган мусобақада иштирокчилар ҳалқа, булава, тасма ва тўп билан бажариладиган машқлар, шунингдек, жамоавий чиқишлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Якунда Тошкент вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Кубок доирасида 2001 — 2005 йилларда туғилган қизлар ўртасида "Гўзаллик маликалари" турнири ҳам ташкил этилди. Мезбон вилоят миқёсида уюштирилган мазкур мусобақада Дилмира Ашурова олтин, Сабина Нажмиддинова, Азизахон Мирзаева, Комила Менглиева кумуш, Севинч Шамсиева ва Севинч Омонова бронза медали билан тақдирланди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Компьютерда жаҳон чемпионати

***28 ноябрь — 1 декабрь кунлари Хитойнинг Куншань шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионатининг Гранд финали бўлиб ўтади.***

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, мусобақада икки нафар ҳамюртимиз — жорий йил Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари ғолиби Павел Саприкин ҳамда Ўзбекистон чемпиони Абдусафий Қаюмов Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Улар "FIFA14" футбол ўйинида ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Қуръа натижаларига кўра, "А" гуруҳидан жой олган Абдусафий Қаюмов Аргентина, Канада, Буюк Британия, Хитой ва Озарбайжон вакилларига қарши беллашади.

Павел Саприкин эса "В" гуруҳида Коста-Рика, Хитой, Мексика, Эрон ва Бразилия терма жамоалари аъзолари билан куч синашади.

Гуруҳ босқичида дастлабки икки ўринни қўлга киритган спортчилар чорак финалга йўл олади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

САЛОМАТЛИК

## Тиббиёт муассасасининг янги биноси

***Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансерининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида бундан аввалроқ янги даволаш ва диагностика биноси қурилишига киришилган эди.***

Яқинда фойдаланишга топширилган мазкур замонавий иншоотда эса саратон касалликларини эрта аниқлаш ва самарали даволаш учун зарур шарт-шароитлар юзага келди.

Икки қаватли тиббиёт муассасасини барпо этишда бунёдкорлар томонидан 1,5 миллиард сўмлик бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу билан бирга, шифохона, асосан, Европа давлатларидан келтирилган илғор даволаш ва диагностика анжомлари билан жиҳозланди.

Айни пайтда бу ерда 50 дан ортиқ шифокорлар беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Бундан ташқари, диспансерда врачлар малакасини ошириш институтининг онкология кафедраси ҳам ишлаб турибди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ва эълонлар •

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

O'ZBEKISTON havo yo'llari

ТОШКЕНТ – ВОЛГОГРАД – ТОШКЕНТ
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

УРГАНЧ – ВОЛГОГРАД – УРГАНЧ
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари




Сертификат № СЭ1-О

+99871 140-02-00
www.uzairways.com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

1916R/966

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

*«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 24 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**1.** Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 24 октябрдаги 10-1316/13263-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 2-уйда жойлашган, ер майдони 556 кв.м., умумий майдони 326 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 437 500 000 сўм.***

**2.** Чилонзор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 27 декабрдаги 10-1203/23764-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 19-квартал, 16-уйда жойлашган, 9 қаватли бинонинг биринчи қаватидаги умумий майдони 1 097 кв.м., фойдаланиш майдони 936,13 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 1 340 373 000 сўм.***

*2013 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар Миробод тумани СИБ томонидан арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилган:*

**1.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк (собиқ Мичурин 4-берк) кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м. бўлган, бир қаватли, 3 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 174 697 828 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кўйлиқ-1 мавзеси, 23-«А» уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,22 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 36 203 789 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйнинг 1/4-қисмида жойлашган, умумий майдони 317 кв.м., фойдаланиш майдони 133,07 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 222 090 928 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобиль қўйиш жойи.

***Бошланғич баҳоси — 40 346 500 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.* 1931А/105

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ромитан тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 ноябрдаги 20-1303/12199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ромитан тумани, «Боғитуркон» ҚФЙ, Ўба Сарой қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 1818,22 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 212 189 649 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 декабрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават.**
**Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**
**rieltsavdo@inbox.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1934А/1453



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5